

Mustahkam oila – yurt tayanchi

201 A ... nomidagi O'zbekiston MK


# OILA DAVRASIDA

No 47 (393)  
2019 - yil  
14 noyabr  
payshanba


www.od.press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqq boshlagan.



Х У К У М А Т



## САЙЛОВМИ ЁКИ СИЙЛОВ?

3-бет

Сийсий партиялар ўзлари илгари сураётган ғояларига қанчалик содиқ?



Олий таълим «КОРРУПЦИЯСИЗ СОҲА» бўла оладими?

4-бет

АЙТИЛМАГАН СЎЗЛАР қачон айтилади?

2-бет



Ўйин ичидаги «ЎЙИН»лар

5-бет

ҚОТИЛЛИК қилаётган болалар

6-бет



Ўйингиз ХАТЛОВДА эмасми?

2-бет

«Қутадғу билиг»даги НОЁБ ДОРИЛАР

7-бет



«Оила даврасида» газетасига

2020 йил **ОБУНА** учун

Обуна индекси — 193

«Оила даврасида» — энг арзон, энг қизиқарли ва оилангизнинг ҳар бир аъзоси учун энг фойдали нашр!

«Оила даврасида» бу — ўз фикрингиз, мулоҳазангиз, муносабатингиз билан чиқишингиз мумкин бўлган эркин минбар!

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!



uzkitob.uz

«O'ZDAVKITOB SAVDOTA'MINOTI»

Манзил: Тошкент шаҳар Навоий кўчаси 30-уй  
Tel.: (+998 71) 244-19-65 (+998 71) 244-19-91

Энг сара китоблар ассортименти

«Мен дунёга биттагина сўз айтмоқчи эдим. Уни тополмаганим учун ёзувчи бўлиб кетдим», деган эди буюклардан бири. Биз ҳам сизга бир сўз айтмоқчи эдик.

Балки... «айтилмаган сўздир қутлуг ҳар лаҳза» деб тушунишимиз тўғри бўлар.

## АЙТИЛМАГАН СЎЗДИР ҲАР ЛАҲЗА

Ҳа, бир сўз топиш ва уни айтишдан ҳам оғирроқ иш йўқ. Минг машаққатлар билан сўз топиладиган ҳам ҳали қилинадиган ишлар охирига етмайди. Энди у сўзни эшитадиган қулоқ ҳам топиш керак. Нотўғри ва чала эшитмайдиган, оддий соғлом қулоқ. Агар ошқозонда бирон иллат бўлса, ширин таъмини аччиқ, аччиқни ширин деб қабул қилади. Қулоқ ҳам шундай касалга чалинса – қийин.

Боринки, шу биргина сўзни эшитадиган қулоқ ҳам топилади, кейин нима бўлади? Эшитувчи тешиқ қулоқ энди бу сўзни тушунадими-йўқми? Масала шунда! Мабодо қайсидир қулоқ сўзингизни бехосдан тушуниб кўйса, унда нима бўларди? Нимаям бўларди – ҳеч нарса! Чанқаган киши сув ичиб, кейин уни чиқиндига айлантирагандай гап. Лекин шу ерда нозик бир нуқта бор: киши чанқаган пайтда ичилган бир ҳўплам сув танада ўз вазифасини бажариб чиқитга чиқиб кетши асносида вужуд тирикчилигини сақлаб туришга ҳам ҳисса қўшади...

Сўз-чи? Демак, сўз инсон борлигида мустақкам қарор топиши учун кишида унга табиалик ҳолати ҳам бўлиши зарур. Сўзлаш учун дуч келган кимса эмас, сўзташна инсонни топа олиш керак! Тоza ва мусаффо, зилол сўз жудаям камёб мол.

Сўзингиз сўзташна инсоннинг қалб саҳросига қўйилди. Энди бу обихаёт қуриб ётган қалб саҳросини қайта тирилтира олармикан? Тирилтирса, у ерда энди гул ўсадими ёки тиканми?



Энди у ер ҳаммага озор келтирадиган тиканзорга айланиб қолмасмикан?

Биргина сўз кўнгил саҳросини бўстону чаманзорга айлантирганини кўриш учун бир неча йиллар, баъзан асрлар керак бўлади. Лекин сўз эгасининг капалак умридек ҳаёти у гуллардан баҳра олишга етмай қолади. У тупроқ остига кирганда, тупроқ устидан лолалар униб чиқади...

Камолиддин ШАМС

Тиббиёт

## ЮРАК СТЕНТИ БУХОРОДА ЧИҚАДИ

Бухоро вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази ангиография бўлимида ҳар ой қирқдан зиёд мураккаб операция амалга оширилмақда. Бунинг учун зарур бўлган каркас-стентлар хориждан катта маблаг эвазига олиб келинмақда.

Ана энди бунга ҳожат қолмади. Юрак хасталикларини даволашда зарур бўлган нафақат коронар стентлар, балки коронар баллонлар ва диагностика катетер ва интродьюсерлар Бухоро шаҳрида маҳаллий тадбиркорлик субъекти билан Жанубий Кореянинг «KFM Co. LTD», «Naonix Corporation», «Cvbio», «Kang & Park Medical Co. LTD», «Reno medical Co. LTD» компаниялари ҳамкорлигида ташкил этилган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Тибтехника» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилади.

Корхонада ҳозир кунига 100 та каркас-стент ва бошқа жиҳозлар ишлаб чиқарилмақда. Лойиҳа қувватини ўзлаштириш жараёнида бу кўрсаткич икки-уч бараварга ошади.

Қулайлик

## УЙИНГИЗ ХАТЛОВДА ЭМАСМИ?

Давлат хизматлари агентлиги томонидан ваколатли идоралар билан биргаликда кўчмас мулк объектларини Давлат хизматлари марказлари ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат рўйхатидан ўтказишда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектга нисбатан қайси ваколатли орган томонидан, қандай асосларга кўра таққик ёки хатлов қўйилганини аниқлаш имконияти яратилди.

Эндиликда бундан аниқлаш учун турли идора ва ташкилотларга бирма-бир ёзма ариза билан мурожаат қилишга мажбур бўлишмайди. Давлат хизматлари агентлиги бу масалани бир зумда ҳал қилиб беради.

Эслатма: амалдаги тартибга кўра, таққик ёки хатловнинг мавжудлиги кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни рад қилишга асос бўлади.

Олий таълим

## ҚИШКИ ТАЪТИЛ ЎЗГАРИШИ МУМКИН

22 декабрда ўтказиладиган сайлов муносабати билан талабаларнинг қишки таътил муддати ўзгариши мумкин.

«2019 йилнинг 22 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига умумхалқ сайловлари ўтказиши муносабати билан талабалар ўзи доимий рўйхатдан ўтган яшаш жойида овоз беришлари учун 2019-2020-ўқув йили қишки таътил даври 2019 йил 20 декабрдан 2020 йил 6 январьгача этиб белгиланиши кутилмақда», – дейилади Олий ва ўрта-маҳсус таълим вазирлигининг edu.uz телеграм каналда.

## # САЙЛОВ – 2019

- ◆ Сайловчи овоз бериш вақтида сайлов бюллетени бузиб қўйса нима бўлади? Сайловчининг илтимосига кўра янгисига алмаштирилиши мумкин.
- ◆ Овоз бериш хонасига яқин қариндошлар бирга кирса бўладими? Овоз бериш хонасида сайлов бюллетенини тўлдирish чоғида овоз берувчи шаходан бошқа шахсларнинг бўлиши тақиқланади.
- ◆ Сайловчи бюллетенини мустақил равишда тўлдирishi имкониятига эга бўлмасачи? Бундай ҳолда сайловчи ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш хонасига бошқа шахсни тақриф қилишга ҳақли. Сайлов комиссияси тақрибига кирадиган шахслар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари бундан мустасно.

Парламентда

## БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ ИЖТИМОЙ СОҲАГА

Парламент Қонунчилик палатасига киритилган 2020 йилга мўлжалланган Бюджетномани тасдиқлашда янги амалиёт ҳаётга татбиқ этилмақда ва Олий Мажлис томонидан биринчи марта Давлат бюджети қонун шаклида қабул қилинади. Бу ҳақда кўйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси йиғилишида айтиб ўтилди.

«2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонун лойиҳасини халқор стандартларга мувофиқ тайёрлаш ва бюджет маълумотларининг очиқлигини, шаффофлигини янада ошириш, бюджет маблағларининг шаклланиши, сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш тартиблари белги-ланмақда.

Йиғилишда қайд этилганидек, 2020 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши кейинги йилларда унинг ижобий динамикасини сақлаб қолган ҳолда, 5,5 фоиз (2021 йилда 5,8 фоиз, 2022 йилда 6,2 фоиз) миқдорда бўлиши назарда тутилмақда. Хусусан, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 6,5 фоиз, қурилишда 9,3 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4 фоиз ва хизматлар соҳасида 5,6 фоиз кўпаяди, асосий капиталга инвестициялар 10 фоиз, товарлар ва хизматлар экспорти ҳамда импорт 8 фоиз ўсади.

2020 йилга мўлжалланган Бюджет сиёсати пухта ўйланган

фискал сиёсатни амалга оширишга, иқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиб ўсишига ва мамлакат молиявий тизимининг барқарорлигини таъминлашга қаратилган.

«2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида»ги қонун лойиҳаси билан бюджет маблағларини режалаштириш самарадорлигини, улардан фойдаланиш натижадорлигини оширишга ҳамда бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришга йўналтирилган бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилмақда.

Бюджетни режалаштиришнинг барқарорлигини ошириш мақсадида прогноз йили учун Давлат бюджети ва кейинги икки йилга мўлжалланган бюджет йўналишларини тасдиқлаш йўли билан ўрта муддатга мўлжалланган бюджетни режалаштириш таклиф қилинмақда.

2020 йилда мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 653,5 триллион сўми, Давлат бюджети даромадларининг тушуми 128,5 триллион сўм ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 19,6 фоиз даражасида бўлиши прогноз қилиниб, бу алоҳида соҳалар ривожига мақсадли харажатларни ошириш йўли билан иқтисодий ўсишни рағбатлантиришни таъминлайди.

2020 йилда Давлат бюджетининг харажатлари 131,1 триллион сўми ташкил этади. Бу ўтган йилдагига нисбатан 24 фоизга кўп бўлиб, бунда Давлат бюджетининг харажатлари асосан ижтимоий соҳаларга йўналтири-



лади. Жумладан, ижтимоий соҳа харажатлари 66 триллион сўми ёки умумий харажатларга нисбатан 50,3 фоизни ташкил этади. Бунда ушбу харажатлар аввалги йилга нисбатан 24 фоиз кўпаяди. Мақтабгача таълим муассасаларини молиялаштиришга 5,2 триллион сўм, умумий таълимга 20,9 триллион сўм йўналтирилади, кадрлар тайёрлашга ажратилган маблағлар 3,9 триллион сўми ташкил этади.

Соғлиқни сақлашга 14,8 триллион сўм, маданият ва спортни молиялаштириш учун 2,3 триллион сўм, илм-фанга 1 триллион сўм йўналтирилади. Ижтимоий нафақалар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш ва компенсация тўловлари учун харажатлар ўтган йилдагига нисбатан 27 фоиз ошган ҳолда 6,6 триллион сўми ташкил этади.

Бюджет маблағларидан самарали фойдаланишда таъсирчан жамоатчилик ва парламент назоратини амалга ошириш долзарб аҳамият касб этади. Маҳаллий бюджетларнинг даромад манбаи мустақамланиши ва уларнинг мустақиллиги изчил ошириб борилишини ҳисобга олган ҳолда, маҳаллий вакиллик органлари ваколат ҳамда имкониятларидан оқилона фойдаланиши, бюджетга тушумлар тўлиқ бўлишини таъминлаш ишига фаол қўшилиши талаб этилади.

Нурилло НАСРИЕВ  
(ЎЗА)

# САЙЛОВМИ ЁКИ СИЙЛОВ?

## Сиёсий партиялар ўзлари илгари сураётган ғояларига қанчалик содиқ?

**К** Мамлакатимиз катта бир сиёсий воқелик арафасида турибди. Жорий йил 22 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига умумхалқ сайловлари бўлиб ўтади. Бу йилги сайловларнинг кўп жиҳатдан долзарб ва аҳамиятли экани айтилмоқда. Чундан ҳам демократик йўлдан собит илдамловчи ҳар бир мамлакат учун сайловлар катта бир синовдир.

Аввало, бу сайлов узок давом этган турғунликдан сўнг жадал ўтказилиши эълон қилинган ислохотларнинг рости-камчилигини синайдиган синовдир.

Иккинчидан, халқимизнинг бу гал арзирли, оқил, фидойи, ҳақиқатпарвар инсонларга овоз бериш-бермаслиги, сиёсий онги ўсган-ўсмаганлигини синайдиган синовдир.

Учинчидан, дунё аҳли, халқро ҳам-жамият олдида янги ислохотларимизни намойиш қиладиган, Шавкат Мирзиёев ҳокимиятга келганидан сўнг ўтаётган илк парламент сайловидир, халқро иззат-обрўйимизни белгилайдиган синовдир.

### Қайси партия кимни Бош вазир сифатида кўрмоқда?

Ўзбекистон Конституциясига асосан Бош вазир номзоди Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг микдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан Президентга кўриб чиқиш учун таклиф этилади.

Бунда, Президент тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин уни Олий Мажлис палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун киритади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади. Яъни, Бош вазирни тасдиқлаш жараёни аниқ тартибга солинган бўлиб, унда нафақат сайловларда кўп овоз олган партиянинг фикри, балки Президент, сенаторлар ва бошқа депутатларнинг фикри ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Очигини айтиш керак, шу пайтгача сайловлар олдида Ўзбекистондаги бирорта сиёсий партия сайловда кўп овоз тўплаган тақдирда Бош вазир лавозимига кимни номзод қилиб кўрсатиши хусусида баёнот бермаган эди. Бу галги сайловларнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, сиёсий партиялар, агар Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўринларини олса Бош вазир сифатида кўрсатмоқчи бўлган номзодларини жамоатчиликка ошқор қилди.

Хўш, мамлакатимиздаги бешта партия Бош вазир лавозимига кимларни номзод қилмоқчи?

- Ўзбекистон Халқ демократик партияси: Очилбой Раматов, Бош вазир ўринбосари, транспорт вазири;

- Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси: Русланбек Давлетов, адлия вазири (бундан ташқари солиқни сақлаш вазири Алишер Шодмонов ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазири Иномжон Мажидов номзоди ҳам ўрганилмоқда);

- Ўзбекистон Либерал демократик партияси: Абдулла Арипов, Ўзбекистоннинг амалдаги Бош вазири;

- Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси: «Бизда икки номзод аниқ, аммо хозирча жим тураемиз»;

- Ўзбекистон Экологик партияси: Одил Темиров, «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти бошқаруви

сий партиялар ҳали сайлов бошланмасдан ўзларининг ғўрлигини намойиш қилмоқда. Бирор партия ўз етакчисини Бош вазир сифатида тасаввур қила олмайпти. Холбуки, партиялар ўз лидерларини Президентликка номзод сифатида сурган эди. Савол туғилади: сиёсий партиялар таркибларида ҳукуматни бошқара оладиган инсонлар йўқми ёки уларнинг етакчилари бўлғуси ҳукуматни бошқара олмайди-ми? Ҳокимиятни орзу қилмайдиган сиёсий кучни партия деб бўладими ўзи?!

Айни пайтда қизгин кечаётган сайловда ташвиқотларида айни мана шу партиялар мавжуд аҳволни тинимсиз танқид қилмоқда ва бунга масъул бўлганларни, яъни ҳукумат вакилларини номзод си-



раиси (шунингдек, «Худудий электр тармоқлари» АЖ бошқаруви раиси Улуғбек Мустафоев ҳамда «Agrotir group» ассоциацияси директорлар кенгаши раиси Шавкат Жалолов номзодларига ҳам эътибор қаратилмоқда).

Ҳақиқатда Ўзбекистон сиёсий ҳаётида бундай дадил баёнот билан чиқиш ҳолати камёб ҳодиса. Бош вазирликка номзодлар суриш ҳодисаси сайловларда ва партиялар фаолиятида алал-оқибат ўзгаришлар бўлаётганидан дарак, десак бўладими?

Афсуски, сиёсий партиялар томонидан галабага эришганларида илгари сурилиши мумкин бўлган номзодларнинг аксарияти амалдаги ҳукумат аъзоларидир, яъни парламент бугун назорат қилиши, ҳисобот сўраши керак бўлган амалдорлар. Бошқача айтганда ислохотларимизнинг, иқтисодимиз ва ижтимоий ҳолатимизнинг бугунги аҳволи учун жавобгар шахслардир. Агар партияларнинг таклифи шу номзодлар бўлса ва ҳукумат тузилишида бугун улар олдинга сурган номзодлар ҳукуматни ташкил этса, демак бугунги ҳукумат деярли ўзгармайди.

Айтиш мумкинки, мана шу билан сиё-

коррупция ҳакалак отган олий таълим тизими юзага келган бир ҳолатда ушбу соҳага масъул вазир ҳам «Адолат» партияси томонидан номзод сифатида кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Либерал демократик партияси амалдаги Бош вазирни ўрнида қолдириш ниятида. Демак, бугунги ислохотларнинг боришидан партия коникмоқда.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси: «Бизда икки номзод аниқ, аммо хозирча жим тураемиз», – демокда. Агар оқиллик деб билсак бунди, барибир, бу партиянинг ҳокимият учун сирли тарзда курашиши ғалатидир.

Экологик партия умуман мантисиз бир вазиятга тушди: атроф-муҳитни ифлослайдиган энг улкан соҳа раҳбарини экологик партиядан номзод сифатида кўрсатди. Шунингдек, мамлакатимизнинг барча худудларида электр энергияси таъминоти билан боғлиқ муаммолар мавжуд бўлиб турган бир пайтда ушбу соҳа раҳбарини Бош вазирликка номзод сифатида кўрмоқда.

### Халқ нимани истайди?

Умуман олганда, парламент тизимдан муддао – парламентни халқ кесимидаги кайфиятлар, орзу истакларни, дарду ташвишларни ифода этиши керак бўлган муҳим институтга айлантириш. Зотан, давлат ҳокимиятининг манбаи – халқ, дейилган Ўзбекистоннинг Бош қомусида. Халқнинг ҳаммаси бошқарувда катнаша олмаслиги учунгина у ўз вакилларини сайлайди. Бу вакиллар халқнинг айни пайтдаги фикру ўйлари, дарду ташвиши ифодачисидир ва шу тахлит юзага келиши керак. Халқда қандай қарашлар, фикрлар бўлса, партиялар шу фикрларнинг ифодачиси бўлиши зарур. Қайсидир фикрни халқ кўпроқ амалга ошишини истаса, шу фикрни олга сурган партия кўпроқ овоз олади ва парламентда ҳам етакчи партия бўлади.

**Агар халқда бир фикр бўлса-ю, парламентда бошқача бўлса, сайлов ҳам, парламент ҳам номига бўлади ва бундай парламент фаолиятига ва уни сайлашга сарфланадиган харажатларни бошқа зарур ишларга сарфлаган маъқулдир.**

Халқ адолат истайди – «Адолат» партияси суд-ҳуқуқ, адлия тизими одил бўлишини, коррупцияни илдири билан (илдизигача эмас!) йўқотишни мақсад қилиши керак ва шундай қилса, халқнинг катта қисмидан овоз ола олади. Либерал-демократлар либерализм ғоясини унутгандай, унинг мақсади демократик кадриятлар бўлмоғи керак. Халқ олигархияни ҳам, аспадий капитализмни ҳам истамайди, демак либерал-демократик қарашларни иқтисодга ҳам (бозор механизмларини жсадал жорий этиш, монополияни тугатиш), ижтимоий ҳаётга ҳам, жамиятга ҳам (нодавлат секторини, фуқаролик жамиятини ривожлантириш) татбиқ этиш лозим. Халқда миллатнинг ўзлигини англамаслигини, она тилининг ҳўрланганидан, миллий тарихнинг сохталаштирилганидан, миллатнинг дунёга сочилиб бораётганидан улкан норозилик бор ва шу дардларни бош ғояси қилса, «Миллий тикланиш»га овоз беради. Худди шу каби бошқа партиялар ҳам «иқтисодлаштириш» лозим.

Демак, ҳар бир сиёсий куч ўзининг ана шу «иқтисодлаштириш»га мўносиб бўлган, ана шу ғояларини ҳаётга татбиқ эти оладиган номзодларни халққа тақдим этиши зарур. Акс ҳолда сайлов сийловга айилди кетиши ҳеч гап эмас.

Карим БАҲРИЕВ

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ «КОРРУПЦИЯСИЗ БЎЛА ОЛАДИМИ?»

Шу йилнинг 5 ноябрида шов-шувли хабар тарқалди: «Нархоз»нинг ректори ишдан олинди!» Сабаб: университетда коррупция авж олган экан.

Очиғи, аини масалага бағишланган йиғилишда биз ҳам иштирок этдик. Тан олиш керак, у ерда айтилган гаплар, билдирилган мулоҳазалардан уялдиқ. Чунки йиғилишда фақат Тошкент давлат иқтисодий университетигина эмас, балки бутун олий таълим тизими, шу соҳадаги коррупция ҳолатлари ҳақида сўз борди.

## Афсуски, ҳақиқат...

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, таълим соҳасида масъул ходимлар ўртасида пора олиш билан боғлиқ ҳолатларни йўқотиш қийин кечмоқда. Тўғри, коррупция аталмиш бало бошқа соҳаларда ҳам йўқ эмас, албатта. Буни ҳар қандай кўзи ва қулоғи бор одам рад эта олмайди. Аммо таълимдаги коррупция бу – ана шу иллатни ишлаб чиқариш заводидек гап. Унинг мамлакат таракқиёти ва жамият ҳаётидаги салбий оқибатини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди.

Шу боис Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни ва давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида олий таълим тизимини «коррупциясиз соҳа»га айлантириш борасида концептуал фикрлар ўртага ташланган бежиз эмас.

Шундан келиб чиқиб, олий таълимда «коррупциясиз соҳа» лойиҳасини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, қабул жараёни, талабалар билимини баҳолаш, ўқишни кўчириш ва нострификация, ОТМларни такомиллаштириш, ўқитувчилар ижтимоий ҳимояси, бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш каби йўналишларини қамраб олган, 2019-2020 йилларда амалга ошириш белгиланган «Йўл харитаси» қабул қилинди. Унинг доирасида 2 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат – Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

## Нима(лар) ўзгарди?

Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, олий таълим муассасаси раҳбар кадрларининг ўқув-методик ва илмий-педагогик фаолияти натижалари инобатга олинган, уларга мунтазам равишда касбий ўзини ўзи ривожлантириш бориш имкониятини берувчи узлуксиз малака ошириш тизими амалиётга жорий этилди. Ўқитишнинг замонавий усулларини қўллаш билан боғлиқ фан ва курсларни кенгайтириш мақсадида қайта

тайёрлаш ва малака ошириш курслари ўқув режаларига 13 та янги модуль киритилди.

Бундан ташқари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тизимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар инвентаризациядан ўтказилмоқда. Унга мувофиқ, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда коррупцияга оид ҳолатларни келтириб чиқарадиган нормалар аниқланса, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

**Олий таълим муассасалари веб-сайтларида «Менинг фикрим» жамоавий мурожаатлар портали яратилади. Ҳозирда бу бўйича ахборот тизимининг техник таъмири ишлаб чиқилди.**



Таълим муассасалари ўртасида коррупцияга қарши кураш рейтингини жорий қилиш, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини шакллантириш ҳамда таълим жараёнига «Булуғли технологиялар» (электрон университет)ни босқичма-босқич таълим этиш, талабалар ўртасида коррупцияга оид ҳолатлар

юзасидан онлайн сўровномалар ўтказиб бориш масалалари бўйича чора-тадбирлар дастурлари тасдиқланди.

Касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва коррупцияга қарши курашишнинг бошқа йўналишлари бўйича қисқа муддатли ўқув дастури тайёрланди. Бу олий таълим муассасалари ходимлари ва профессор-ўқитувчиларнинг коррупцияга қарши курашиш йўналишлари бўйича малакасини ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг академияси билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Коррупциянинг олдини олишда олий таълим муассасаларига кириш синовларини шаффоф, очиқлик тамойиллари асосида ўтказиш ҳам ниҳоятда муҳим. Шу нуқтаи назардан 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб алоҳида иқтидор талаб этиладиган таълим йўналишларига кириш имтиҳонларининг бир қисмини (5

асосий омиллardan яна бири – ойлик-маош саналади. Шу маънода, тизимдаги таълим муассасаларининг бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи ва ўқув-ёрдамчи ходимларининг амалдаги намунавий штатларига ўзгартириш киритиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, бош хисобчи муовини – аудитор лавозими «Бухгалтерия» бўлимидан чиқарилиб, «Ректорат» таркибига киритилди. Шу орқали унинг бўйсунуви бош хисобчи бўйсунувидан тўғридан-тўғри биринчи раҳбар бўйсунувига ўтказилади. Ҳозирда олий таълим муассасаси аудиторининг иш ҳақи тариф коэффициентини ва разрядларини белгилаш бўйича иш олиб борилмоқда.

«Йўл харитаси»да белгиланган тадбирларни амалга оширишнинг энг яқин муддати 2019 йилнинг тўртинчи чора-гига белгиланган. Буларнинг барига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокуратураси ҳамда Бош прокуратура академияси яқиндан ёрдам бермоқда.

## Режалар қогозда қолиб кетмайдими?

Бундай бўлиши ҳам мумкин! Агарки, биз барчамиз биргаликда, ҳамкорликда ишласак, фақат айрим масъул лавозимдаги инсонларгагина ишониб ўтираверсак, жамоатчилик назоратини кучайтирмасак, коррупцияга қарши курашиш, унинг олдини олиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз эканини англаган ҳолда иш юритмасак, режаларимиз, мақсадларимиз қогозда қолиб кетиши ҳеч гап эмас.

Яна бир нарсани айтиш керакки, қанчадан-қанча чора-тадбирларни белгиламасин, агар таълим муассасасидаги ҳар бир талаба, профессор-ўқитувчи, масъул ва ёрдамчи ходимлар чин юракдан коррупцияни йўқотишга бел боғламаса, бари бефойда. Чунки тизим қатта. Унинг қайси бурчагида ким нима билан шугулланаётганини бирдек кузатиб

# СОҶА»

# ҲИЙИ ИЧИДАГИ «ҲИЙИ»ЛАР

## ЁХУД САЛОМАТЛИГИНИ «SPARK»КА АЛМАШТИРАЁТГАН АВЛОД КИМ?

бориш жуда мушкул. Бундай ҳолатда, аксинча, коррупцияни амалга ошириш технологиялари ривожланади, ҳолос.

Масалан, бундан 4-5 йил аввал хизмат юзасидан кўчада сотиладиган ахлоқсизликка йўғрилган дисклар бўйича рейд ўтказдик. Улар сотиладиган жойларда қаттиқ назорат ўрнатилиб, сотувчиларга чоралар кўрилди. Шунда бир танишимдан сўрадим: «Дисклар ва уни сотувчилар анча йўқолиб қолдими?» Шунда танишим: «Қаерда йўқолади, рейддан кейин текширув қаттиқ бўляпти, деган баҳона билан нархини ошириб, бошқа жойларда сотиб юришибди», деган эди.

**Нима учун шундай бўлди? Негаки, биз кўр-кўрона шакл билан ишладик. Дискни соттирмасликни мақсад қилиб олдик. Бу билан нимага эришдик? Дискнинг қизиқарлилик даражаси ва нархини оширишга сабабчи бўлдик.**

Демак, коррупцияга кўл урган шахсга нисбатан ундай чора кўрилади, бундай жазо қўлланади, дейиш билангина иш тугтасак, коррупционерлар сездирмасдан шу ишни бажариш йўллари қидириб топаверади. Шунинг учун биз, аввало, бу иллатнинг оқибатлари нималарга олиб бориши мумкинлиги, коррупция нафақат жиноят, балки катта гуноҳ ҳам эканини бутун жамият англаб етишига эришишимиз керак. Буни айниқса, ёшларимиз онгу қалбига чуқур сингдиришимиз лозим. Шу мақсадда таълим муассасаларининг ўқув дастурларига коррупцияга қарши курашиш махсус курслари киритилди. Улардан унумли фойдаланиш, натижадорлигини ошириш эса яна профессор-ўқитувчининг зиммасида.

Бу борада таълим муассасасининг бошқа фаоллари, касаба уюшмаси, талабалар, ота-оналар вакилларидан иборат жамоатчилик кенгаши ҳам муҳим таъсир кучига айланмоғи керак. Ҳар бир олий таълим муассасасида жамоатчилик кенгаши институти шакллантирилган. Унинг барча ваколати ишга солинадиган бўлса, ўйлаймизки, самарадорлик ҳам шунга яраша бўлади.

### Мақсадимиз бир, йўлимиз ҳам бирга бўлсин!

Фарзандларимизни тарбиялаш ва уларга билим беришда ҳар доим тўғри йўл тутаёлик. Уларга ўз кучи, билими билан илм олишларига имконият яратиб берайлик, мурғак қалбига тамагирлик иллатини оғу каби жойлаштиришга йўл қўймайлик. Ўғил-қизларимизни танишбиллилик ёки пора эвазига ўқишга олиб кириш йўлидан сақланайлик.

Ёшларимизга қаран! Уларнинг аксарияти ўз кучига ишонган, қалбига Ватанига, юртига меҳр-муҳаббат жўш уриб турган, кўзлари илм олиш учун порлаган янги авлоддир. Яхшиси, бу қудратли кучга ҳалакит қилмайлик. Аксинча, уларни қўллаб-қувватлайлик, мустақил билим олиши учун қўмаклашайлик. Ахир, ҳаммамизнинг мақсадимиз бир – коррупцияга қарши курашиш. Шундай экан, йўлимиз ҳам бир бўлсин.

**Отабек БОЗОРОВ,**

*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи.*

(ЎЗА)

Бугунги дунёнинг чоп-чопи, югур-югури кўп. Ҳамма қаёққадир шошган, телефонда ким биландир тортишган, интернетдаги ахборот дарёсига шўнғиган. Хуллас, бундай бир дам олиб, хордиқ чиқараётган одамни жуда кам учратасиз. Шунга яраша ҳамма толиққан, чарчоқ аломатлари юзларида сезилиб туради. Албатта бундай пайтда кимдир мусиқа тинглаб, яна кимдир жисмоний машқлар билан шуғулланиб ёки кўнгилочар фильмлар томоша қилиб дам олади. Бироқ, буни қарангки, чарчоқни чиқаришнинг ҳам замонавий усули урфга кирмоқда экан ҳозир. Чарчаганда энергетик ичимлик истеъмол қилиш. Барчани шу пайтгача қизиқтириб келаётган савол: энергетик ичимликлар инсонни тетик қилиши ростми? Унинг фойдаси кўпми ёки зарари?



Энергетик ичимликларга энергия ва ақлий фаолиятни оширувчи ингредиентларни ўз ичига олган ичимликлар, дея таъриф берилди. Хўш, аслида ҳам, шундайми?

Деярли барча энергетик ичимликлар таркибида мия фаолиятини рағбатлантирувчи, хушёрлик ва концентрацияни оширадиган кофеин мавжуд. Энергетик ичимликлар, шунингдек, одатда бир нечта бошқа ингредиентларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, шакар – одатда энергия ичимликларидаги калорияларнинг асосий манбаи, гарчи уларнинг баъзиларида шакар йўқ ва углеводлар миқдори пастлиги қайд этилган бўлса ҳам.

Одамлар энергетик ичимликларни истеъмол қилишнинг асосий сабабларидан бири уйкусуз ёки чарчаган ҳолатларида ишлашига ёрдам бериш экан. Узоқ йўл босадиган, кечкурун йўлда кетадиган ҳайдовчилар кўпинча хушёр бўлишлари учун энергетик ичимлик истеъмол қилишади. Бироқ уйкусуз ишлашдан, меҳнат қиламан дея, энергетик ичимликларни истеъмол қилиб, уларга ўрганиб қолиш қўллаб-қўлланган.

Энергетик ичимлик маълум бир муддат хушёр бўлишга ёрдам бериши мумкин бўлса ҳам, ишдан кейинги уйку ҳолатига салбий таъсир ўрсатиши аниқланган. Энергетик ичимликлар одамларга чарчаган вақтларида ишлашига ёрдам беради, аммо кейинчалик уйку сифатининг пасайишига олиб келади. Ҳаттоки, энергетик ичимликларни ҳаддан зиёд истеъмол қилган инсонларда юрак муаммолари ҳам безовта қила бошлаган ва бу кейинчалик асоратли касалликларга олиб келган.

**Энергетик ичимликларни меъёрдан ортиқ ичиш қон босими ёки қондаги қанд миқдорининг ошишига ҳам сабаб бўлади, ҳаттоки асабийлик, тушқунлик каби акс таъсирларни пайдо қилади.**

Шунинг учун энергетик ичимликларни ҳомилдор аёллар, болалар, ўспиринлар, қариялар, гипертония, юрак-қон томир касалликлари, уйку

бузилиши, асабийлашиш ва кофеинга сезгирлик билан оғриган одамларнинг истеъмол қилиши тақиқланади.

Бундай ичимликлар истеъмоли кўп мамлакатларда авж олаётгани анчайин хавфлидир. Бунинг аянчли оқибатлари ҳам кўринмоқда. Масалан, англиялик энергетик ичимликлар шайдоси Винни Пайнер исми талаба ҳафтасига тўрт-беш банка ичимликни кўрдим демай, ичишда давом этган. Аммо меъёрни унутган йигит бунинг ноҳўя таъсирини кўрилмаганда англаб етди. Бир куни у олма емоқчи бўлганида, бир йўла унинг тўртта тиши тўкилиб тушган. Оёғини қўлига олиб тиш дўхтирига югурган ўспиринга мутахассис «энергетик кувват» кучи билан тўкилган тишлардан ташқари, қолганларига ҳам жиддий зарар етганини айтган. Шифокорнинг фикрича, ҳамма бало энергетик ичимликлар таркибида жуда мўл бўлган шакарда экан.

Бъзиди жисмоний машқ билан шуғулланаётганларнинг қўлида шундай ичимликка кўзимиз тушади.

**Шифокорларнинг қайд этишича, энергетик ичимликлар спорт ичимликлари билан бир хил эмас. Жисмоний машқлар пайтида бундай ичимликларни ичиш сувсизланишга, бу эса ошқозон-ичак фаолияти бузилишига олиб келади. Бундай пайтда сув энг яхши танловдир.**

Бекатлар, дўконлар дераза-ойналарини тўлдириб турган энергетик ичимликлар сурати, «мазасига гап йўқ», «куватга кир» дея муҳрланган сўзлар қатта кичикнинг эътиборини жалб этиши табиий. Бундай рекламани кўрган ҳар қандай инсонда кизиккиш уйғониш ҳеч гап эмас. Албатта, унинг таъмини татиш истаги пайдо бўлади. Бироқ бир ичишда оғизга ёқувчи ичимлик таъми кўпчиликка манзур келиб, унга ўрганиб қолиши ва бу кейинчалик чўнтакка ҳам, соғлиқка ҳам зарар келтириши турган гап.

Сўнги вақтларда айрим «чучар» тадбиркорларимиз мазаси энергетик ичимликларга ўхшаш «WF», «Sitro», «Tizer», «OK» каби ичимликларни

ишлаб чиқаришди. Бугунги кунда кўпчиликнинг қўлида ушбу ичимликларни учратамиз. Ҳатто, мактаб ўқувчилари ҳам ота-онаси тушликка деб берган пулларига ушбу ичимликларни сотиб олишётганига гувоҳ бўламиз. Энг қизиги, улар ичимликни очгандан қопқок остидаги ёзувга эътиборини қаратишади. Тўғри топдингиз, улар қопқок остидан автомобиль қидиришади. «WF» ёки «Sitro» ичиб автомобильга эга бўлган «шовволар» уларни буткул қизиқтириб қўйган. Телевизор орқали эфирга узатилаётган энергетик таъми ичимликларнинг «мега акция»лари деярли ҳамманинг орзу-умидига айланган. Кимнингдир омади келиши ёки осонгина мол-давлатга эга бўлишга интилиш – бу бошқа масала. Бироқ ўзимизни, айниқса болаларни кунига литрлаб газли ичимлик истеъмол қилишга ундашимиз эртага қандай оқибатларга олиб келади? Наҳотки фарзандимиз ёки ўзимизнинг соғлиғимиздан ҳам қиммат турса шу автомобиль?

**Аслида ичимлик қопқоғини йиғиб автомобильга эга бўлиш имконияти қанчалик ҳақиқатга яқин?**

Келинг, таҳлил қиламиз: 0,5 литр «WF» ичимлигининг дўконлардаги ўртача нархи 3 000 сўм, «Spark» автомобилнинг қиймати тахминан 65 млн. дейлик. Математикага мурожаат қиламиз: битта автомобиль пулига тахминан 21 667 дона «WF» ичимлиги беради экан. Ҳайратланарли «мега акция»да салқинлаштирувчи ичимликни хуш кўрадиган истеъмолчилар тўрт донадан «Malibu», «Tracker», «Cobalt», «Nexia 3», ўн дона «Spark» ва бошқа қимматбаҳо совринлар ютиб олиш имконига эга бўлишлари ҳақида «оғиз кўпиртирилган». Қолган математик ҳисоблашларни сизга қолдираман. Мени эса бир савол қийнапти: шунча ютуқни истеъмолчиларга беришга ошқикан ишлаб чиқарувчилар наҳотки фақат зарарни ўйлаб, бизнес бошлашган бўлса? Аслида, бу ўйин ичидаги «ўйин»лардан қимга зарар қимга фойда? Хулоса ўзингиздан...

**Махфуза ПЎЛАТОВА,**  
«Оила даврасида» муҳбири

# ҚОТИЛЛИК ҚИЛАЁТГАН БОЛАЛАР



Уларнинг дайдаси қаттиқ ва бемехр бўлиб қолаётгани қандай мудҳиш оқибатларга олиб келмоқда?

**Қотиллик? Болалар а? Наҳотки? Ҳа, айнан буни қотиллик дейиш мумкин. Ахир, тирик жонзотни, юраги уриб турган ҳайвонни қийнаб ўлдириш ҳар қандай қотилликдан кам эмас...**

Яқинда телеграм каналлари орқали Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги ўсмирлар жиноий гуруҳ тузиб, шаҳар бўйлаб ит ва мушукларни қийнаб ўлдиришга ҳақида хабар тарқалди. Бу гуруҳ ҳайвонларнинг оёқ-қўлини синдириб, кўзларини ўйишган, думидан ушлаб, деворга бошини уриб ўлдиришган. Мазкур жиноий гуруҳга 29-сонли мактабнинг 6-синф ўқувчиси бошчилик қилган. Унинг ёрдамчиси эса 1-сонли мактабда 5-синфда ўқийди. Гуруҳнинг барча аъзолари 9-12 ёшли болалардир. Катталар бир неча мартаба танбех бермоқчи бўлишганида, болалар уларни ҳақоратлаб кетишган. Худди шу шикоят «Мехр ва оқибат» ННТ вакиллари ҳам келиб тушган.

Болаликда ҳайвонларни қийнаш ва ўлдириш кун келиб қотиллик каби хавфли бир жиноятга йўл очиши ҳеч гап эмас. Боладаги юқоридаги каби оддий шўхлик ёки шумтакалик эътиборсиз қолдирилиши, кейинчалик албатта даҳшатли фожиаларни келтириб чиқараверади. Даҳшатли фожиаки, кап-катга одамнинг яқинда тирик кучукни ёқиб юбориб, бир туки қилт этмай томоша қилаётгани каби...

## Тириклай кўмилган кучукчалар

Болалигимдаги бир воқеа сира эсимдан чикмайди. Икки кишлоқ нарида яшайдиган узок қариндошимиз мен билан укамни уйларига меҳмонга олиб кетди. Биз ниҳоят таътилда меҳмонга бораётганимиздан хурсанд эдик. Уларнинг дарвозасидан киришимиз билан ҳовлисидан оқиб ўтадиган ариқ ёнидаги чуқурчага тўкилган қон кўлмагини кўриб сесканиб кетдим.

«Кеча болалар мол сўйишганида», – деди холамиз ҳайрон бўлганимизни кўриб. Очиғи бизнинг ҳам уйда жонлик сўйиларди. Аммо ҳеч қачон биз болалар молнинг сўйилишини кўрмасдик. Уйга яқинлашарканмиз, шудкоккина эшикка яқин жойда қорамолнинг қалласини кўриб укам менга, мен укамга қарадик. Шу-шу менда бир тушунисиз оғир кайфият пайдо бўлди. Бизни дастурхонга таклиф қилишди. Бир пасдан кейин ҳовлига ўйнагани чиксак холаминг ўғли хотинига бақираётган экан. Кейин шу орада хотинининг елкасига қаттиқ туртиб юборди. Келинчак чўк тушиб қолди, бизнинг қараб турганимизни кўриб баттар хижолат бўлди. Нимадир дея тизасини силаб ишини давом эттирди.

Кечкурун овқат пайти холамиз ўғлига норози оҳангда нимадир деганини тушунмай қолдим, аммо ўғли чиройли келинга тишларини ғижирлатиб қараб қўйди. Келин кўзларини олиб қочди. Биз укам иккаламиз бу муомаладан ҳайрон эдик. Биз отамизни ҳар замонда койгани учун баджаҳл деб ўйлардик. Аммо дастурхон бошида ҳеч қачон ковоқ-тумшук қилиб ҳеч кимнинг кайфиятини бузмас эдилар отам. Ётиш олдида келинчакнинг уйига кирдик. У бешикдаги боласини овқатлантираётган экан. Бизни кўриб чехраси ёришди. Шу пайт озроқ очилган ўнг елкасига кўзим тушди. Тирналган экан.

– Янга, елкангизга нима қилди, – дедим.

У синик жилмайди:

– Тоғангиз... ҳовлидаги тошларни кўрдингизми, ўша жойдан уйгача судраб олиб келган, – деди.

Энди англашимча, ўшанда келин дардини кимгадир айтгани келгану бизга илк бора ёрилди, шекилли. Кечаси ҳовлида ётдик. Кўзимга сира уйку келмади. Кўз олдимда ҳовлига кириб келганимиздаги чуқурчадаги қип-қизил қон, даргазаб «тоға», елкаси тирналган янга...

Эрталаб бола қалбим билан бу нарсаларни унутиб уйғондим. Укам билан югуриб кучукчаларнинг олдига бордик. Она ит тўрт нафар боласини эмизаётган экан.

Кучукболаларнинг кўзи очилган, бир-биримизга эдик. Укам, бизга берса олиб кетсак бўларкан, деди. «Оқтўшинг борку» дедим мен. «Отам иккита кучукча руҳсат бермайди». «Оқтўшимни соғиндим», деб кўйди укам. Ана шу кучук неча йиллар укамнинг ҳақиқий химоячиси бўлди.

Шу пайт «тоға» келиб қолди. Иккита кучукчани оёғидан кўтариб уёқ-буёғига қаради ва биттадан кўлимизга бериб қўйди. Биз хурсанд бўлиб кучук болаларни кучоклаб олдик. Бирим ёқимтой эдик. Кейин бизга «кетдик» деди. Уйнинг орти яланглик, кир эди. Бироз юриб уйдан узоклашганимиздан сўнг «тоға» олдиндан қовланган чуқурча олдига келдию кучукчаларни кўлимиздан олиб иттиб юборди. Нима бўлаётганини англамасдик. Кейин оёғи билан тез-тез чуқурчани тўлдириб устидан тепкилаб текислади. Укам билан мен рангимиз оқарганча туриб қолдик. Кейин укам шаша-пиша тупрокни қовламочки бўлди. Аммо «тоға» руҳсат бермади. Агар яна шундай қилсанг сени анави ариқка отиб юбораман, деб тиржайди. Бу гапни ҳазиллашиб айтди, аммо биз ишондик, кўрка-писа ортидан эргашдик. Кейин билсам, кучукнинг эркагини олиб қолишаркан.

Кечкурун анча пайтгача уйкум келмади. Ҳаёлимда кучукчалар тирғу, «кутқаринглар» деб ғингшиётгандек эди. Аммо ухлаб қолибман. Эрталаб ёмон кайфиятда турдим. Фақат кучукчаларнинг кўмилаётганда жон алфозда типирлаши эмас, қон тўла ариқча, елкаси шилинган янга... ҳамма-хаммаси ҳаёлимдан бирин-кетин ўтаверди. Биз укам иккаламиз кетамиз, деб туриб олдик. Уловга солиб кузатиб қўйишди...

Ҳозир жиноятчилар, ёвуз одамлар ҳақида ўйласам ўша кучукболаларни тириклай кўмган, боши ғам-алам, ташвишдан чикмай яшаётган «тоға» ва унинг кейинчалик ҳаётда рўшнолик кўрмай ўз жонига қасд қилган хотини ҳаёлимда жонланади...

Яқинда ижтимоий тармоқлардан бирига кўзи ожиз кучукчини йўқотиб қўйган бир инсон ва у кучукчини излаб дайди кучуклар сақланадиган вақтинчалик бошпанага излаб боргани ва ниҳоят, уни Қибрайдаги «Ҳаёт – Жизнь» деган итлар бошпанасидан топгани ҳақида пост қўйдим. Жуда кўп инсонлар бу одамнинг

яхшилигига таҳсинлар айтишда ва албатта жавобсиз қолмаслигини таъкидлашди. Айниқса, бир дўстимизнинг ёзиб қолдирган изоҳи жуда кўпчиликни ҳаяжонга солди.

## Мушук болалари ва ҳаётга қайтган она

**Баҳодир МАНСУРОВ:** Бу воқеага анча бўлди. Кеч соат 23:30 ларда Тошкентдан Қашқадарёнинг Китоб туманига қайтиш учун «Бек-барака» бозоридан таксига ўтирдим. Энди юрмоқчи бўлганимизда 20-22 ёшлардаги йигит келиб онаси ҳаётдан ўтиб қолганини, шопилинч бориши зарурлигини айтиб йиғлаб юборди. Таксидагиларга илтимос қилиб, «Биронангиз жойингизни менга беринг, тезликда йўлга чикмасам бўлмайди», деди. Шунда талаба йигит жойини бўшатиб, «мен бошқа таксида бора қоламан», деб бояги йигитга сабр тилаганча тушиб қолди. Ёмғир аралаш қор тинимсиз ёғарди, қон совук. Орқа ўриндикда ўтирган бояги йигит орада «оҳ, онажон», деб йиғлаб оларди. Биз ҳам сабр тилаб, кайғусига шерик бўлиб далда берардик. Жиззахга етиб келганимизда ёнлиги шоҳочасида тўхтадик, машинадан тушдик. Такси чиқини кутиб турганимизда бояги йигит тўртта мушук боласини қаердан устидаги қалин куртқасига ўраб келиб қолди. «Изиллаган совук, бечораларни кимдир ташлаб кетибди», деб дўконга югуриб кетди. Мен ҳайрон эдим, ўзи нима аҳволдаю, мушукчалар кўнглига сикканига... Дўкондан балик консервасини олиб келиб тўртта мушук болаларига эринмасдан едирди. Бу орада машина ҳам чиқиб келди. Йўловчилар ва ҳайдовчи кутиб турганига қарамай мушукларни меҳрибонлик билан қорини тўйдирди. Мени ҳайрон қолдиргани, устидаги қалин куртқага мушук болаларини ўраб ёруғроқ жойга қолдириб келгани бўлди. У хурсанд эди: «мушуклар энди ўлмайди, бирон меҳрибон инсон албатта эғалик қилади, ҳеч бўлмаса куртқамга ёзиб қолдирган хатини ўқийди ва мушук болаларини олиб кетади» деди... Биз тонг отарда Китоб туманига етиб келганимизда бояги йигитга кимдир кўнғирок қилди ва туман тиббиёт бирлашмаси жонлантириш бўлимига келишини айтди. Ҳайдовчи машинани ўша томонга ҳайдади. Биз бояги йигитга қўшилиб касалхонага кирдик... Ишонасизми, йигитнинг онаси тирик экан, шифокорларнинг айтишича мўъжиза рўй берибди, жони узилиб яна

жонланибди. Йигит тинимсиз йиғлаб, «ё Аллоҳим, ўзингга шукур, онам тирик экан...» дерди.

## Ҳайвонларнинг митти халоскори

Россиянинг Владикавказ ўлкасида олти ёшли болақай уч йилдан буён юздан зиёд эгасиз қолган уй ҳайвонларига ғамхўрлик қилиб келяпти. Бу борада болақайнинг отаси ҳарбий Вадим Шапранов ўғлига доимо ёрдамга шай. Ота-бола кўчада адашиб қолган, ҳайдаб юборилган эгасиз мушук ёки кучукни уйга олиб келишгач, дастлаб овқатлантиришади, кейин ветеринар кўригига олиб боришади. Касал бўлса даволатади. «Уй ҳайвонларига қараш жуда мушкул иш, қолаверса, уларнинг овқати, дори-дармони оила даромадидан, – деб ёзади Вадим Шапранов ижтимоий тармоқдаги саҳифасида. – Яхшиямки, ҳайвонларга муруват кўрсатадиган одамлар кўп. Улар бу борада биздан ёрдамларини аямайди».

Уй ҳайвонларини «Мехрли кўллар»га бериш мақсадида ота-бола ижтимоий тармоқларда саҳифасида. Болақайнинг дўстлари билан тушган суратлари меҳрибон одамларни бефарқ қолдирмапти. Уй ҳайвонларини олиб кетиш учун кейинги пайтда қизиқувчиларнинг сафи кенгаймоқда. Ҳайвонларга бефарқ бўлмаган одамлар кучук ёки мушукни уйларига олиб кетишгач, ота-ўғил тез-тез улардан хабар олишни ҳам қанда қилмайди.

Дарвоқе, Ваня билан унинг отаси қилаётган ишларини ижтимоий тармоқ орқали кузатаётганлар сони тобора ошиб бормоқда. Шундан ҳам билсак бўладики, болаларда ҳайвонларга меҳр қачонки ўзимиз уларга ўрнатилган уйғонади. Аслида болаларнинг ҳайвонга меҳрини боғча ёшида, мактабгача таълим муассасаларида ва мактабларда жонли бурчаклар ташкил қилиш орқали ҳам уйғотиш мумкин. Афсуски мамлакатимизда кейинги пайтлар ана шундай жонли бурчаклар ташкил қилишга эътибор сусайди. Қолаверса, телевидениеда ҳайвонларга меҳр кўрсатиш ҳақида кўпроқ кўрсатувлар тайёрланса ҳам мақсада мувофиқ бўларди. Хориж киножодкорлари ишлаган, барчанинг кўнглидан жой олган, садоқатли ит ҳақидаги «Хатико» каби кинофильмларни қачонлардир ўзимизнинг киножодкорлар яратганини эса хозирча фақат орзу қилиш мумкин.

Барно СУЛТОНОВА

Мумтоз асарларни ўқир эканмиз, ижодкор маҳорати намуналаридан баҳра оламиз, ўз навбатида асар орқали кўплаб маълумотларга эга бўламиз. Шунинг баробарида бадиий асарда халқнинг яшаш тарзи, урф-одат, анъаналари, дунёқараши, қадриятлари борасида ҳам муҳим маълумотлар акс этади.


Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асари бир канча фан соҳаларига оид илми ўзида мужассам этган муҳим манба ҳисобланади. Ундаги бир қатор қарашлар инсон табиати, мизожнинг саломатликка таъсирини ифода этади. Юсуф Хос Ҳожиб қадимги Греция ва Ўрта Осиёнинг машҳур олимлари каби олам тўрт унсур – ўт, сув, ҳаво ва тупроқ ёки иссиқ, совуқ, ҳўл ва қуруқдан иборат, деган фалсафий қарашни илгари суради. У инсоннинг сижати, ёши, овқатланиши ва жисмоний тарбияси ҳақида ҳам қимматли мулоҳазалар билдиради. Киши ёшига қараб ҳаракат қилмоғи, овқат турларини танламоғи, ўз танасини сув, жисмоний тарбия билан чиниктириб бормоғи лозимлиги, бу билан касалликларнинг олдини олиши мумкинлиги, бемор ўз касалини дори билангина эмас, балки парҳез билан ҳам даволашга интилиши кераклигини таъкидлайди.

Асарда қўлланган «таду» истилоҳи «мизож» маъносини ифода этади. Юсуф Хос Ҳожиб мизожнинг инсон ҳаёти учун муҳим аҳамиятга эга экани, ҳар бир киши ўз ми-

якинлашганда, иссиқ таомлар истеъмол қилиш кераклиги айтилган: «Ёшинг олтимиш (ва ундан ортиқ) бўлса, мавсумнинг киш бўлса, иссиқлик истеъмол қил, совуқлик истеъмол қилма».

«Кутадғу билиг»да фасллар номи инсон умрининг тўрт улушини ҳам ифода этишга хизмат қилган. Асарда мизожнинг инсон ёшига боғлиқлиги, бу икки жиҳатнинг туш қўришга ҳам таъсири борлиги айтилган. Бугунги кунда замонавий таъбабта овқатни совуқ ҳолда тановул қилиш, иссиқ ҳолатда емаслик, иссиқ таомни пуфламаслик, таомни майда чайнаб ейиш саломатлик омилларидан бири сифатида қаралмоқда. Бу фикр XI асрдаёқ Юсуф Хос Ҳожиб томонидан ўртага ташланган: «Нима олсанг тишла, майдалаб чайна, сен иссиқ ошни оғзинг билан пуфлама».

Бугунги кунда таомни иложи борича кам тановул қилиш саломатлик гарови сифатида



# «Кутадғу билиг»даги ноёб дорилар

зожига қараб овқатланиши лозимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, киши ўз мизожини қандайлигини аниқ билиши керак: «Аввал мизожини билиш шарт, (сўн) шунга яраша (овқат) еса бўлади, мизожга тўғри келмайдиганини кўйиш (бундай овқатдан тийилиш) керак».

Юсуф Хос Ҳожиб кирк йил яшаб ўз мизожини билмаган инсонни ҳайвонга қиёс қилади. Муаллиф инсон («иссиқлик») ва («совуқлик») тушунчаларининг моҳиятини билиши кераклиги, иссиқлиги ошганда совуқликни оширадиган ва аксинча, совуқлик ошганда иссиқликни кўтарадиган таомларни тановул қилиши лозимлигини айтган. Юсуф Хос Ҳожиб қуруқ совуқлик (қуруқ иссиқлик) ёки ҳўл совуқлик (ҳўл иссиқлик) тушунчаларини фарқлайди. Инсон ўз мизожини қандайлигини аниқ билмаган тақдирда иссиқлик ёки совуқлик ўртасидаги бир меъёрга амал қилиши лозимлигини таъкидлайди.

Мумтоз адабиётда киш ва баҳор сўзлари рамзий маънода инсон умрини ифода этиб келган. Бу қиёс биринчи марта «Кутадғу билиг»да учрайди. Асарда инсоннинг йигитлик ёши ёз фаслига қиёс қилинади. Инсон умрининг баҳори, яъни йигитлик даврида совуқлик истеъмол қилиши, натижада қоннинг меъёрийлигига эришиши мумкинлиги қайд этилган: «Йигит ёшида бўлсанг, фасл(инг) баҳор бўлса, совуқлик (нарсаларини) истеъмол қилгин, қонингнинг равон қилдири».

Киши ёши олтимишдан ошган бўлса, унинг даври қиш мавсумига қиёс қилинади. Ёш олтимишга бориб, умрининг қиш фасли

таъкидланмоқда. Юсуф Хос Ҳожиб кўп овқат истеъмол қилувчи киши кўп касалликларга чалиниши ҳақида айтиб ўтган ва бу фикр бугунги кунда ҳам ўз исботини топмоқда: «Кўп еювчиларнинг овқати бадҳазм бўлади, овқати бадҳазм киши доим дардманд бўлади».

**Юсуф Хос Ҳожиб инсондаги барча дард томоқдан киради, шунинг учун ҳам томоқни, яъни нафсни эҳтиёт қилиш керак, дейди. Дарду касалликдан қочадиган, сижат-саломатлик истаган инсон «оз» деб аталган дорини истеъмол қилиши, фароғат ёки осойишталик тиласа, «тил» деб аталган гўшти ёйиши кераклиги таъбаб борасидаги муҳим маълумотлардан бири саналади.**

«Кутадғу билиг»да инсон тановул қиладиган таом унинг соғлиғи билан биргаликда туш қўришга ҳам таъсир қилиши айтиб ўтилган. Киши яхши егулик еса, туши яхши бўлиши, оғир овқат еса, ёмон туш қўриши таъкидланган.

Чинакам бадиий асар инсонга фақат эстетик завқ берувчи воситагина эмас, инсоннинг кундалик ҳаётидаги кўплаб жумбоқ ва муаммоларга ечим қўрсатувчи нодир манба ҳамдир. «Кутадғу билиг» каби мумтоз қомусий асарларни мутолаа қилганда бунга қайта-қайта амин бўламиз.

Муштарий ХОЛИМУРОВА

## Хаёт ҳақиқатлари

### КЎШНИНИНГ ҲАҚИ

– Келин, сомса пишибди шекилли, ёқимли хиддан оғзининг суви оқиб уйдан чиқиб келялман, – деди Хадича опоки тандирдан сомса узаётган келинига яқинлашиб.

– Ёпишга ёпиб бўлдим. Ўлсин, бир-иккитаси оқиб тушди-да, – деди келини қовоғини солиб. Чунки қайнонаси гап нишабини қаёққа бураётганини сезиб турарди.

– Ҳечқиси йўқ болам, тандир ҳам ўз ҳақини олиб қолади-да, оби-оташ деб қўйибди бунни, ўша тўқилганнинг баракасини худойим бошқаларига беради. Болам, сомсадан тўрттагинасини Мухаммадалидан Зарофат ўртоғимниқига чиқариб юборинг. Савоб бўлади, хаста одам... Шамол аллақачон хидини бурнига олиб борган бўлса, умидвор бўлиб ўтиргандир. Ёшлигидан қовоқ сомса жону дили. Қачон ойим сомса ёпаётганини кўрса, холажон, ҳеч ким ёпган сомса сизниқига ўхшамайди, деб тандир ёнида ўтириб оларди. Унинг яёси Шарофат қолам юпқага уста эди. Пиширган юпқаси бизсиз томоғидан ўтмасди. Ҳа, аjoyиб замоналар эди, – соғинчдан энтикиди хола.

– Фалатисиз-да, ойи, бир уй одам бўлсак. Бир сават сомса учтадан ё етади ё етмайди. Ҳозир тўрттагини бу опокига, тўрттагини у опокига бўлсам, яна тунов кунгига ўхшаб хиди бурнига, товуши қулоғимга бўлиб қолаверамизки. Нима, Зарофат опокининг уйида қозон қайнамайди?! Бирор марта сизга илинмайди-ку, – бобиллаб берди келини пешонасидаги терни пешбандига жаҳл билан артиб. – Бор товоғим, кел товоғим, борсанг келмасанг ўртада син товоғим, дейишган, ойижон.

– Қўйинг, шу товоқ ўлгурни. Ўртоғим бетоб бўлса, балки келинига гапи ўтмас. Сиз мени эси кўп келинимсиз. Келиб-келиб қовоқ сомсага торлик қиласизми, – дили оғриганини сездирмади Хадича хола.

– Э, болаларининг ризқини кийиб эсли бўлмай қўя қолай. Онагинам аввал бизни тўйдириб қўярди, ортиб қолсагина опа-укасини ўйларди.

– Майли, аччигингиз чикмасин. Мен ейдиган сомсани сочиққа ўраб беринг. Дугонамни кўриб, бир пиёла чой баҳона бироз кўнглимни ёзиб келаман. Оқибат кўтарилмасин...

– Уф, бу оқибат деганларини бунча яхши кўрмасангиз. Бўпти, мана битта иссиқ нон ҳам қўшдим. Тагин кўнгили ёзаман, деб орамиздаги гапларини...

– Бўлди, болам, гапни кўпайтирмаманг!..

Сочиқдаги қайноқ сомсалар Хадича холанинг қўлини эмас дилини куйдирса-да у мамнун қилмайиб кўшниникига қараб йўлга тушди.

### ЗАМОНАНИНГ ЎЛЧОВИ

– Сиз билан бизнинг давримизда одамлар бошқача ўйларди, кўни-қўшни, кишлоқдош бир-бирини жон жигаридай қўрарди. Битта кўрпани тепалашиб катта бўлгандик. Кўшни-қўш бир-бирининг иссиқ-совуғидан хабардор эди. Яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам елкадош, ҳамроҳ эди. Энди замон ўзгариб кетди. Ҳозир унақа эмас, кўздай қўшнилари бир-бирини ойлаб кўрмайди. Шундай бўлгач ўзаро меҳр бўладими? Меҳр кўзда, ахир. Ҳамма нарса замонасига яраша бўларкан-да, – дейди Зарофат хола дугонасига далда бериш учун. Хадича хола хўрсинади-ю, индамайди.

Қизиқ, замонанинг ўлчови кимнинг қаричида ўлчанади? Нахотки турмушимиз фаровонлашгани сари замондошларимизнинг қаричи шунчалик кичрайиб (мутахассислар маълумотица қараганда ҳозирги одамларнинг бўйи ота-оналариникидан сезиларли даражада баландлиги исботланган-ку), худбинлик, меҳрсизлик, нафсимиз кенгайиб кетяпти. Бунчалик бемехрлик, кўзи очлик... Ҳатто хаҳақчилик, очарчилик, нотинчлик даврида ҳам бир бурда нонини, бир майизни кирк бўлиб еган танти халқимизга қачон, қаердан келиб ёпишди? Яқинда кишлоғимизда машҳур Қодир «пахан» узок касалликдан сўнг вафот этди. Иттифоқо, шу кунни ҳокисоргина дехкон Содиқ амаки ҳам оламдан ўтди. Бунни қарангки, дангиллама сарой, қўша-қўша хорижий машиналар эгаси Қодирбой оддий дехкон Содиқ амаки билан ёнма-ён қабра қўйилди. Иккисининг ҳам эга бўлгани мана шу бир уюм тупроқ бўлди.

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир ака-ука ота ерини таллашиб қозига боришибди. Қози уларнинг арзини диққат билан тинглагач, қулоғини ерга тутибди.

– Қози калон, муаммоимизни ҳал қилиш ўрнига нека ерга ётиб олдингиз, – дебди тоқати тоқ бўлган дъвоғарлар.

– Муаммо жавобини ердан сўрияман. Ахир сиз ер талашпасиз-ку, – дебди қози бамайилхотир.

– Ҳўш, шу қаро ер сизга нима деб жавоб берди? – энсаси қотибди ака-уканинг.

– Унинг айтишларича, иккинчиз ҳам уники экансиз, – надомат билан уларга тикилибди Қози.

Қиссадан хисса: инсон бу дунёдан фақат қилган яхшиликларини олиб кетади. Шундай экан, имонимизни, одамийлигимизни белгилувчи меҳрибонлик, саҳийлик, кадрдонлик, диёнат, кадр-қимматнинг наеси бўлган оқибатни йўқотмайлик. Оқибат бор жойда, меҳр, кадр, юксалиш, самимият, энг муҳими, ҳаётга мухаббат бўлади.

Мухаббат ХАМИДОВА

## ЁШЛИК

## ДИЛ РОЗИ

– Сен менга яна сариқ рангли гул олиб келдинг, – ковоқ осди Лола.

Лабларини буриб бироз тисарилиб, юзини ярим тўсиб турган бир тутам соч орасидан Мансурбекка қаради.

Кўлларида уч дона сариқ гул, юзлари хиёл пастга қараган. Уялишимон, киприклари тез-тез пирпираб турарди.

Лоланинг кўнгли алланечук меҳр билан товланиб кетди.

Катта-катта кадам ташлаб гул тутиб турган кўлидан маҳкам тутиб олди.

– Майли, ният қилиб олиб келибсан.

– Ахир сендан каттаман, қачон сизлашни ўрганасан?

– Хўш, катта бўлсанг нима бўпти?! Болалигимдан шундай ўрганганман-ку.

– Сенга ҳали айтишмадимми?

Мансурбек нигоҳини ҳали ердан узмас, нимадир айб қилгандек турарди.

– Хўш, нимани айтишларни керак? Ахир бугун келдим Тошкентдан.

Лола бир қосини юқорига кўтариб Мансурбекнинг лабларига интиқ боқарди.

– Келаси ҳафта унаштирув, ёзининг охириларида тўй бўлар экан. Ҳаммасини хал қилишибди.



– Қанақа тўй? Кимнинг тўйи?..

– Сенга муносибманми – йўқми, билмадим, аммо уйдагиларга сени келин қилишларини бир илож қилиб айтдим.

Лола юзларини бирдан ерга томон буриб олди, ўнг оёғи учи билан ер қизиб бироз жим қолди. Сукутни бўлиб, титрана-титрана пичирлади.

– Нега мени оғохлантириб қўймадингиз? Ахир ҳали билмайсизку мени кўнглим борми-йўқми сизда?

– Билмасам...

Бош чайқали Мансурбек.

Лола сариқ гуллари маҳкам қучганича ер қизиб турар эди...

Нуриддин ЗИЁ

## ЯНГИЛИК

## ПОЙТАХТ ЧОРРАҲАЛАРИДА «ВАФЕЛ ЧИЗМАСИ»

Тошкент шаҳридаги чорраҳаларда тирбандликларнинг олдини олиш мақсадида «вафел чизмаси» пайдо бўлмоқда, дея хабар берди Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси. Ушбу чизма Сингапурда муваффақиятли синовдан ўтган.

Чизма ёрдамда ҳаракат йўналишида тирбандлик юзага чиққан ҳолатда чиқиш мумкин бўлмаган ҳудуд белгилаб олинади ва ҳайдовчи тўхташга мажбур бўлади. «Вафел чизмаси» йўл ҳаракати қоидалари билан белгиланган баъзи ҳолатларда ўнг ёки чап томонга бурилишни тақиқламайди.

Бугунгача фақат 7 та чорраҳада бундай чизмалар пайдо бўлди. Яқунда 25 тага етказилади.

## Маълумот учун:

Ҳозирча «вафел чизмаси» қоидаларини бузганлик учун баённомалар расмийлаштириш кўзда тутилмапти. Ҳайдовчиларга чизманинг талабларини ўрганиб чиқиш учун вақт ва унга кўниккиш учун имконият берилади.



## «Вафел чизмаси» нима?

Кўпчилик ҳайдовчиларни шу савол кийнаётган бўлса керак. Бу чизиклар тирбандлик пайдо бўлиш хавфи бор пайтларда чорраҳага тикилиб қирадиган ҳайдовчилардан сакланишга ёрдам беради, деб ёзади ҳуқуқшунос Хушнудбек Худойбердиев ўзининг телеграм каналида.

Умумий қоидага қўра, ушбу сариқ чизиклар устида тўхташ мумкин эмас, фақат айрим ҳолатларда ўнг ёки чап томонга бурилаётганда тўхташ мумкин (масалан, пиёдаларни ўтказиб юбориш).

Шунингдек, ушбу чизик светофорнинг яшил чирғи ўчиб ёнаётган пайтда ёки сариқдан чорраҳага кириб келадиган ҳайдовчилардан ҳам оғохликни талаб қилади. Яъни қизил чирок ёнгунгача чорраҳадан тўлиқ ўтиб кетишга қўзи етмаган ҳайдовчи тўхташга мажбур бўлади, йўқса жарима тўлайди. Айни мана шунақа «сарик аралаш қизилда кириб келиш» ордан чорраҳаларда кўплаб йўл-транспорт ҳодисалари содир этилади ёки тирбандликлар ҳосил бўлади.

Бундай чизиклар ўтган йили Россияда ҳам пайдо бўлган.

## ЖАВОҲИР

Омон МАТЖОН,  
Ўзбекистон халқ шоири:



\*\*\*

Мен шифо топган кўкдан ўзгалар топмас шифо,  
Ўзгаларга балки ёқмас менга ёққан махлиқо.  
Балки бу дунё ўзи ҳар дилга мос сувратдадир,  
Дили дил топмай туриб ҳислар топиммас мутлақо.

## ИНТЕЛЛЕКТ

## ЛИВИЯДА НЕЧТА?

Украина, Хитой, Туркия, Канада давлатларида 2 та, Россия, Франция, Италияда 3 та, Эфиопия, Кувейт, Сурияда 4 та, Лихтенштейн ва Ливияда нечта? Нима ҳақида гап кетмоқда?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил: info@od-press.uz

Телефон: 0(371) 234-91-82

Telegram: (+99897) 444-80-84

Газетамизнинг 2019 йил 17 октябрь 46-сонида берилган саволнинг жавоби: Йўқ, қўлаб тушмайди. Ярим мил юргани сабабли – шилатилган газни юк машинасининг умумий оғирлигидан чиқариб ташлайсиз.

## ПАЗАНДАЛИК

## КРУАССАН

## Масалликлар:

- 600 грамм ун;
- 2 та тухум;
- 1 стакан сут;
- 100 грамм шакар;
- 300 грамм сариёғ;
- озгина туз;
- 2 чойқошиқ хамиртуруш.



## Тайёрланиши:

Стаканга хамиртуруш, бир ошқошиқ шакар ва озгина сут солиб аралаштириб 10 дақиқа дам берамиз. Каттарок идишга унни элаб, туз, қолган шакарни ва тухумларни чақиб солаемиз. Кейин хамиртурушли масани солиб, аралаштириш жараёнида сутни қўшамиз. 10 дақиқа қорамиз, қўлга ёпишмайдиган юмшоқ хамир бўлиши керак. Бир соатга ошириш учун қўйиб қўямиз, бу орада 300 грамм сариёғни елим пакетга солиб, жўва ёрдамида тўртбурчак қилиб ёямиз ва музлатгичга қўямиз. Ошган хамиримизни халиги сариёғ ҳажмидан икки баробар каттарок ёямиз. Сариёғни хамиримизнинг яримига жойлаймиз, ярмини устидан ёпиб, четларини букиб чиқамиз. Кейин жўва билан 60 x 20 сантиметр қилиб ёямиз, кейин учдан бирини букамиз, қолган учдан бирини ҳам букамиз ва елим пакетга ўраб музлатгичга 30 дақиқага қўямиз.

Шу жараёни уч маротаба такрорлаймиз. Ва ниҳоят тайёр бўлган хамиримизни устидан сепилган стол зенига 18-20 сантиметр, бўйига 80-100 сантиметр, қалинлиги 0,5 сантиметр қилиб ёямиз. Узунчок учбурчаклар қилиб кесиб оламиз ва рогаликка ўхшатиб ўраймиз. 30 дақиқа кўтариллиши учун қолдирамиз ва 180-200 даража қизиган духовкага солиб, усти қизаргунча пиширамиз. Пишган, сиропга ботириб оламиз.

Ёқимли иштаҳа!

## ЭЪЛОН

ЎзДЖТУ томонидан 2011 йилда Қадирова Меҳриниса Баҳромовнага берилган В № 560526 рақамли диплом ва иловаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

OILA  
DAVRASIDA  
Ilmoyiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси таҳририяти масъулияти чекланган жамияти

Бош муҳаррир  
Хусниддин БЕРДИЕВ

## МУАССИСЛАР:

Фукарларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши;  
Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;  
Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси;  
Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;  
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;  
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамияти;  
«Матбуот тарқатуви» акциядорлик компанияси;  
Акциядорлик тижорат «Алоқабанд»;  
«Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Газетада интернет материалларидан ҳам фойдаланилган.  
Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.  
«Шарқ» нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонада чоп этилди.  
Босмаҳона мазли: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Мамаджидов, Элмира Боситхонова, Алишер Саъдуллаев, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Мухаммадҷон Қуроно

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри, 100000. Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.  
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Буюртма: Г-1137  
ISSN 2181-6190 Обуна индекси – 193  
Адаби: 2 858 нуска.  
Нархи: келишув асосида.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ.  
Объект усулида босилган.  
Чоп этишга топширилди: 19:00

ISSN 2181-6190



123 56